

## ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТАН ХУДУДИДА САНОАТДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР ВА МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ҲОЛАТ

**Хўшбоқов Панжи Шойманович**

*Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали доценти,  
тарих фанлари номзоди*

<https://orcid.org/0003-0005-2453-4678>

УДК: 94(575.1)

**Аннотация:** Мазкур мақолада мустақиллик арафасида Жанубий Ўзбекистон худудида, хусусан Сурхондарё вилоятида тўқимачилик саноатининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати атрофлича таҳлил этилган. Тадқиқотда совет давридаги марказлашган иқтисодий тизим шароитида тўқимачилик тармоғининг ривожланиш хусусиятлари, унинг хомашё базасига каттиқ боғлиқлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг чекланганлиги очиб берилган. Шунингдек, иш ҳақи пастлиги, оғир меҳнат шароитлари, аёллар ва ёшлар меҳнатидан кенг фойдаланиш, мажбурий ва болалар меҳнати каби долзарб ижтимоий муаммолар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Сурхондарё вилояти, тўқимачилик саноати, совет даври, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, болалар меҳнати, аёллар бандлиги, пахтачилик, монокултура, экологик муаммолар.

**Аннотация:** В данной статье подробно проанализировано социально-экономическое состояние текстильной промышленности в Южном Узбекистане, в частности в Сурхандарьинской области, накануне обретения независимости. В исследовании раскрываются особенности развития текстильной отрасли в условиях централизованной экономической системы советского периода, её сильная зависимость от сырьевой базы, низкая производственная эффективность и ограниченное производство продукции с высокой добавленной стоимостью. Также освещены актуальные социальные проблемы, такие как низкая заработная плата, тяжёлые условия труда, широкое использование труда женщин и молодежи,

принудительный труд и детский труд.

**Ключевые слова:** Сурхандарьинская область, текстильная промышленность, советский период, социально-экономические проблемы, детский труд, занятость женщин, хлопководство, монокультура, экологические проблемы.

**Abstract:** This article provides a detailed analysis of the socio-economic condition of the textile industry in Southern Uzbekistan, particularly in the Surkhandarya region, on the eve of independence. The study highlights the characteristics of the development of the textile sector under the centralized economic system of the Soviet period, its strong dependence on raw material supply, low production efficiency, and limited production of high value-added products. Additionally, pressing social issues such as low wages, harsh working conditions, extensive use of women's and youth labor, forced labor, and child labor are addressed.

**Keywords:** Surkhandarya region, textile industry, Soviet period, socio-economic problems, child labor, women's employment, cotton cultivation, monoculture, environmental issues.

**КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).** Собик умумиттифок меҳнат тақсимоотида Ўзбекистон халқ хўжалиги асосан пахтачилик, шу билан бирга, ипакчилик, қоракўлчилик ва мевачиликка ихтисослашуви белгилаб берилган бўлиб, саноатнинг ривожланиши, аввало, умумиттифок меҳнат тақсимоотида республика олдида қўйилган асосий сиёсий-иқтисодий вазифани ҳал қилишга, яъни пахтачиликни ривожлантиришга, ундан кейингина комплекс халқ хўжалигини яратишга бўйсундирилди[1]. Совет даврида тўқимачилик тармоғи асосан пахта

хомашёсини қайта ишлаш, ип, газлама ва муайян даражада тайёр мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жанубий Ўзбекистонда тўқимачилик соҳаси нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам аҳамиятли соҳалардан бири бўлган. Шу билан бирга, у ҳудуд аҳолиси, айниқса шаҳарлардаги ва айрим қишлоқ ҳудудлардаги ишчи аҳоли учун асосий бандлик манбаи ҳисобланган. Сурхондарё воҳасида асрлар оша турли этник гуруҳлар яшаб келмоқда, у ерда ўзига хос тарихий-маданий этнографик воҳа вужудга келган бўлиб, анъанавий маданиятнинг юраги ҳисобланади. 2001 йилда Бойсун ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан халқ. маданиятининг дурдонаси деб тан олинганлиги тасодикий эмас[2]. Тўқимачилик фабрикаларида асосан аёллар ишлагани ҳам соҳанинг ижтимоий аҳамиятини янада кучайтирган. Чунки бу, бир томондан, аёлларни меҳнат бозорига кенг жалб этишга имконият яратган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг оила иқтисодиётидаги ҳиссасини оширган. Бироқ ушбу ижобий жиҳатлар билан бир қаторда тўқимачилик тармоғида бир қатор чуқур ижтимоий муаммолар ҳам мавжуд эди.

Аввало, иш ҳақининг пастлиги ишчи-хизматчиларни қийин аҳволга солиб қўйган. Фабрикаларда меҳнат қилаётган аёллар ва ёшлар кўп ҳолларда ўз оилаларини таъминлаш учун яна қўшимча меҳнат билан шуғулланишга мажбур бўлганлар. Бу эса ишчиларнинг турмуш даражасини пасайтириб, уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам сифатида шаклланишига олиб келган.

Шунингдек, иш шароитлари оғир бўлган. Цех ва ишлаб чиқариш биноларида ҳаво айланиши етарлича таъминланмаган, қўлланиладиган технологиялар эскирган ва ишчи соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар кўп бўлган. Чанг, юкори шовқин, узоқ иш соатлари ишчиларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиб, касб касалликларининг кўпайишига сабаб бўлган. Меҳнат муҳофазаси ва ишчи хавфсизлиги етарлича даражада таъминланмагани ҳам катта муаммо ҳисобланади.

## МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION).

Яқин ўтмишда, Ўзбекистондаги халқ хўжалиги кенгаши таркибида 1500 дан ортиқ саноат корхоналари бирлаштирилиб, 100 дан зиёд тармоқларда фаолият йўлга қўйилган эди. Бироқ, ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқарув тизими амалиётда ўзининг заиф жиҳатларини кўрсата бошлади. Масалан, 1961 йилда ушбу кенгашга қарашли 49 корхона ишлаб чиқариш режасини бажара олмади ва натижада 36 миллион рубль қийматидаги маҳсулот етказиб берилмай қолди[3]. 1962 йилда эса 404 та саноат корхонаси фаолият юритган бўлиб, шулардан 36 таси белгиланган йиллик режани тўлиқ бажара олмади. Шунинг натижасида 15 миллион рубллик маҳсулот ишлаб чиқарилмай қолди. Бу даврда, ишчи ҳуқуқларининг ҳимоясизлиги энг жиддий ижтимоий масалалардан бири эди. Совет даврида ишчилар учун белгиланган ижтимоий кафолатлар расмий равишда мавжуд бўлган бўлса-да, амалда уларнинг манфаатлари етарлича таъминланмаган. Ишчиларнинг иш вақти, меҳнат таътили, тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳуқуқлари қоғозда белгиланган бўлса ҳам, амалий ҳаётда кўпинча қонундаги талабларга риоя қилинмаган.

Бу муаммолар аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатган. Тўқимачилик фабрикаларида меҳнат қилаётган ишчиларнинг кўпчилиги паст маош билан кун кечирган, бу эса уларнинг оилавий иқтисодини қийинлаштирган. Ишчилар ва уларнинг оилалари кўп ҳолларда минимал турмуш шароитлари билан чекланган, уй-жой таъминоти, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш ва таълим имкониятларида қатор қийинчиликларга дуч келганлар.

Мустақиллик арафасида бу ҳолатлар янада кескин тус олган. Совет Иттифоқи иқтисодий таназзулга учраб, марказдан маблағ ажратиш ва бозор талабини таъминлаш издан чиққан бир шароитда тўқимачилик тармоғидаги ишчиларнинг аҳволи янада оғирлашган. Маошлар ўз вақтида бермаслик, фабрикаларда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва баъзи

ишлаб чиқариш қувватларининг тўхтаб қолиши ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини янада ёмонлаштирган.

1990 йилда республикада 1,59 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 1,24 млн. тоннани, 2004 йилда эса 1,17 млн. тонна, 2012 йилда 1,09 млн. тоннани ташкил этди. Оқибатда пахта тозалаш корхоналарида маълум қувватларнинг бир қисми фаолиятсиз туриб қолди[4]. Жанубий Ўзбекистонда тўқимачилик соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда катта роль ўйнаган бўлса-да, иш ҳақининг пастлиги, меҳнат шaroитларининг оғирлиги ва ҳуқуқий химоянинг етарли эмаслиги натижасида бу тармоқда меҳнат қилаётган ишчиларнинг турмуш даражаси паст бўлиб қолган. Мустақиллик арафасидаги сиёсий ва иқтисодий танглик эса бу муаммоларни янада чуқурлаштирган.

Иқтисодий нуқтаи назардан Жанубий Ўзбекистондаги тўқимачилик тармоғи мустақиллик арафасида қатор мураккаблиklar билан тўқнаш келган. Совет иқтисодий тизимида пахта стратегик хомашё сифатида марказий ўринни эгаллаган бўлиб, унинг асосий қисми қайта ишланмасдан ёки фақатгина ип шаклида тайёрланиб, иттифокнинг бошқа республикаларига юборилган. Жанубий Ўзбекистондаги тўқимачилик фабрикалари асосан газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган, аммо саноатнинг тўлиқ қиймат занжири — яъни хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараён — етарли даражада ривожланмаган.

Тайёр кийим-кечак, экспортбоп маҳсулот ва юқори қўшилган қийматга эга саноат товарлари етарлича ишлаб чиқарилмагани сабабли, маҳаллий тармоқ асосан хомашё тайёрловчи ва ярим тайёр маҳсулот етказиб берувчи соҳа сифатида қолган. Бу ҳолат эса, халқаро бозорда рақобатдошликни сезиларли даражада пасайтирган. Жаҳон бозорида талаб юқори бўлган, сифатли ва дизайн жиҳатдан замонавий кийим-кечаклар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлса-да, мавжуд фабрикалар эски ускуналар, технология жиҳатдан ортда қолган ишлаб чиқариш тизими ва самарасиз

бошқарув сабабли бу имкониятдан фойдаланолмаган.

Шунингдек, иқтисодий ресурслар тақсимооти ҳам муаммоларни кучайтирган. Хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга зарур бўлган замонавий технологиялар ва инвестициялар марказдан ажратилмаган. XX асрнинг 1980-йилларида собиқ Иттифок дунёнинг 36 та мамлакатига пахта толасини экспорт қилган бўлиб, бу жараёндаги асосий улуш — 30 фоиздан 97 фоизгача — Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган[5]. Жанубий Ўзбекистон фабрикалари иттифокнинг ички режаларига бўйсуниб, ишлагани сабабли маҳаллий бозор эҳтиёжлари ва ташқи бозор талаблари эътибордан четда қолган.

Натижада, тўқимачилик тармоғи иқтисодий жиҳатдан марказга қарам бўлиб қолган, мустақил ривожланиш имкониятлари чекланган, экспорт салоҳияти эса фақат хомашё етказиб бериш билан ифодаланган. Мустақиллик арафасидаги иқтисодий танглик бу муаммоларни янада чуқурлаштирган, ишлаб чиқариш ҳажми пасайган, ишчи кучи самарасиз фойдаланилган ва фабрикаларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги янада заифлашган.

Иқтисодий жиҳатдан Жанубий Ўзбекистондаги тўқимачилик соҳаси хомашё етказиб берувчи базавий тармоқ сифатида сақланиб қолган, юқори қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш ва ташқи бозорларда фаол иштирок этиш имконияти эса етарлича ривожланмаган.

Мустақиллик арафасида Жанубий Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғи билан чамбарчас боғлиқ бўлган энг оғир ижтимоий муаммолардан бири мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати эди. Совет иқтисодий тизимида пахта “оқ олтин” сифатида стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унинг йиғим-терими давлат режаларини бажаришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланган. Шу боис ҳудудларда ҳар йили сентябрь–октябрь ойларида пахта терими умуммиллий сафарбарлик характерида ўтган.

Бу жараёнда фақат қишлоқ аҳолиси эмас, балки шаҳарлардаги ташкилотлар,

корхоналар, мактаб ўқувчилари, талабалар ва ҳатто ўқитувчилар ҳам пахта далаларига мажбурий тарзда чиқарилган. Бу ҳолат ижтимоий ҳаётда катта ноқулайликларга сабаб бўлган. Талабаларнинг таълим жараёни издан чиққан, ўқувчилар ўқишдан узилиб қолган, ишчи ва хизматчилар эса ўз касбий вазифаларидан чалғиб, пахтага жалб этилган.

Мажбурий меҳнатнинг кенг кўламли қўлланилиши инсон ҳуқуқларини топтаган, меҳнат қонунчилигида белгиланган эркинликларга зид бўлган. Болалар меҳнати эса айниқса салбий ҳолат сифатида кўзга ташланган. Ёшлар пахта теримида оғир шароитларда меҳнат қилишга мажбур бўлган, бу уларнинг соғлиғи, таълим олиш имкониятлари ва болалик ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатган.

Мазкур ҳолат халқаро майдонда ҳам диққат марказида бўлган. Турли ташкилотлар, жумладан халқаро ҳуқуқ ҳимояси тузилмалари бу жараённи қоралаб, уни ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари мезонларига зид деб баҳолаган. Пахта йиғим-теримида оммавий сафарбарликнинг мажбурий характери Жанубий Ўзбекистонда ҳам, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам ижтимоий норозиликни келтириб чиқарган.

Мустақилликдан сўнг эса бу ҳолатни бартараф этиш, пахта терими жараёнларини тубдан ислоҳ қилиш зарурати туғилди. Кейинчалик, бу борада минимал ёш ва болалар меҳнатига оид конвенцияларни амалга ошириш мақсадида Миллий фаолият режаси ишлаб чиқилди[6]. Биринчи навбатда, мажбурий меҳнатни қисқартириш ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу йўналишда қонунчилик ислохотлари амалга оширилди, меҳнат жараёнида ихтиёрийлик ва моддий рағбатлантириш тамойиллари жорий этила бошлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ташқи алоқаларни қайта йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди. 1993 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари ўртасида молиявий ҳамда техник ҳамкорлик масалаларини муҳокама

қилиш учун ҳукуматлараро учрашувлар ташкил этила бошлади[7]. Шу йиллари – 1993, 1994 ва 1995 йилларда икки давлат ўртасида молиявий ва техник ҳамкорликка оид ҳукуматлараро келишувлар имзоланди. Шу тариқа мустақиллик йилларида тўқимачилик тармоғининг ижтимоий асосларини қайта шакллантириш ва халқаро талабларга мос ҳолда ривожлантириш йўлига қадам қўйилди.

Экологик жиҳатдан ҳам Жанубий Ўзбекистонда тўқимачилик тармоғига хизмат қилувчи пахтачилик соҳаси катта муаммоларни юзага келтирган. Совет даврида мамлакат иқтисодиётида пахта асосий стратегик хомашё сифатида белгилангани учун пахта етиштиришга катта эътибор қаратилган. Бу эса монокультуранинг шаклланишига олиб келиб, аграр тармоқда бирёқламалик ҳукмрон бўлган.

Пахтачиликнинг монокультура сифатида ривожланиши биринчи навбатда сув ресурсларининг ортиқча сарфланиши ва танқислигига сабаб бўлган. Амударё ва Сурхондарё сувларидан кескин даражада фойдаланиш, ирригация тизимининг самарасизлиги ва сув тежамкор технологияларнинг йўқлиги сув ресурсларининг заифлашишига, айрим ҳудудларда эса сув танқислигининг кучайишига олиб келган. Бу ҳолат нафақат пахтачилик, балки бошқа қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳамда аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатган. Бу йилларда совхозлар «тегирмон» усулидан фойдаланиб, пахтани заводга юбормасдан, хўжаликнинг ўзида тозалаш имкониятига эга бўлдилар. Мазкур усул 1990–1991 йилларда бутун республика бўйлаб кенг қўлланилган. 1990 йили Ўзбекистон ёғ-мой саноати тахминан 0,3 млн тонна ёғ ҳамда 1 млн тоннадан ортиқ шрот (кунжара ва тахта) ишлаб чиқарди. Шунингдек, шелуха моллар учун тўйимли озуқа сифатида қўлланарди. Умуман олганда, пахтадан олинадиган маҳсулотлардан фойдаланмайдиган халқ хўжалигининг деярли ҳеч бир соҳаси йўқ эди[8].

Монокультура оқибатида ернинг шўрланиши ҳам кенг тарқалган муаммога

айланган. Сувнинг кўп микдорда сарфланиши ва ирригациянинг нотўғри ташкил қилиниши натижасида жойларда шўрланиш даражаси ортиб, ер унумдорлиги пасайган. Шўрланиш жараёни қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилган, бу эса ўз навбатида пахта ҳосилдорлиги пасайишига ва иқтисодий самарадорликнинг камайишига сабаб бўлган.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳам жиддий экологик муаммо сифатида кўзга ташланган. Пахта етиштириш жараёнида кўп микдорда минерал ўғитлар ва кимёвий моддалар қўлланилган. Улар тупроқ, сув ва ҳаво орқали атроф-муҳитга тарқалган ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатган. Меҳнат жараёнида ишчиларнинг кимёвий моддалар билан тўғридан-тўғри алоқада бўлиши уларнинг соғлиғига хавф солган. Шунингдек, экологик мувозанатнинг бузилиши биохилма-хилликнинг қисқариши ва табиий ресурсларнинг тикланиш имкониятини чеклаган.

Натижада, пахтачиликнинг монокультура сифатидаги ривожланиши нафақат қишлоқ хўжалиги, балки бутун тўқимачилик саноатининг барқарор тараққиётiga салбий таъсир кўрсатган. Чунки сув танқислиги ва ер унумдорлигининг пасайиши ишлаб чиқариш жараёнида хомашёнинг сифат ва микдор жиҳатдан чекланишига олиб келган. Экологик муаммолар эса иқтисодий самарадорликни пасайтиб, тармоқнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини янада заифлаштирган.

Мустақиллик арафасида тўқимачилик саноати иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлар билан бир қаторда экологик тангликка ҳам юзма-юз келган ва бу ҳолат тармоқнинг барқарор ривожланиши учун катта тўсиқ вазифасини бажарган.

Совет даврида амал қилган сиёсий ва иқтисодий тизимнинг кескин марказлашганлиги Жанубий Ўзбекистондаги тўқимачилик тармоғидаги муаммоларни янада чуқурлаштирган. Пахта хомашёси бутун иттифоқ иқтисодиёти учун стратегик маҳсулот сифатида белгилангани

боис унинг етиштирилиши, қайта ишланиши ва тақсмоти тўлиқ Москва маркази орқали назорат қилинган. Ўзбекистон ССРда маҳаллий ҳамда марказий ҳокимият ўртасида муайян мувозанатни сақлаган, назорат остидаги мустақилликка ўхшаш бир давр эгаллаб бошлади. Янги сиёсий тартиб эса партия ва давлат тизимидаги нуфузли гуруҳлар манфаатларини мувофиқлаштириб, ҳокимиятни улар ўртасида уйғунлаштиришга йўналтирилган эди. Шу тариқа, бундай сиёсат аста-секин марказлашган бошқарув тизимини вужудга келтириб, маълум вақт давомида сақланиб қолди[9]. Бу ҳолат маҳаллий фабрикаларнинг мустақил ҳаракат қилиши ва ҳудудий иқтисодий эҳтиёжларга мос ишлаб чиқаришини чеклаб қўйилган эди.

Жанубий Ўзбекистондаги фабрикалар асосан марказдан юборилган режаларга амал қилган ҳолда ишлаган. Масалан, қанча ип тайёрланиши, қанча газлама ишлаб чиқарилиши ёки тайёр маҳсулотнинг қай даражада тайёрланиши ҳақида қарорлар маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб эмас, балки иттифоқ миқёсидаги иқтисодий ҳисоб-китобларга кўра белгиланган. Бу эса бозор талабини ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқаришга олиб келган.

Шу билан бирга, хомашёнинг тақсмоти ҳам марказ орқали амалга оширилгани сабабли маҳаллий фабрикалар зарур хомашё билан узлуксиз таъминланмаган. Айрим ҳолларда сифатли пахта толаси республикадан ташқарига юборилиб, маҳаллий фабрикаларга иккинчи даражали хомашё ажратилган. Натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифат жиҳатдан паст бўлиб, жаҳон бозори талабига жавоб беролмаган.

СССР даврида Россиядаги Иваново области “рус Манчестери” номи билан машҳур бўлиб, бутун иттифоқнинг энг йирик тўқимачилик маркази сифатида фаолият кўрсатган[10]. Бу ерда юзлаб фабрикалар, ип-газлама комбинатлари ишлаб турган ва уларнинг асосий хомашёси Ўзбекистонда етиштирилган пахта эди. Марказлашган иқтисодий тизимда Ўзбекистон пахта етиштирувчи асосий

худуд ҳисобланган бўлса, унинг қайта ишланиши, яъни ип-калава ва газлама тайёрлаш асосан Россия марказида, айниқса Ивановода амалга оширилган.

Ўзбек пахтаси темир йўл орқали катта ҳажмда Ивановога олиб борилад, у ерда махсус корхоналарда тозаланиб, ип-калавага айлантирилган ва кейинчалик турли хил газламалар ишлаб чиқарилган[11]. Бу матолар бутун иттифоқ бўйлаб тарқатилгани сабабли, ўзбек пахтаси асосида тайёрланган маҳсулотлар ҳатто ўзининг етиштирилган худудига қайта келган ҳолатлар ҳам кўп учраган.

Совет иқтисодий тизимининг табиати шунда эдики, хомашё базаси сифатида Ўзбекистон пахтани етказиб берса-да, юқори қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш Иваново ва бошқа марказий тўқимачилик шаҳарларида амалга оширилган[12]. Бу ҳолат бир томондан иттифоқдаги меҳнат тақсимотини таъминлаган бўлса, иккинчи томондан Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама йўналишига олиб келган. Иваново фабрикаларида ишлаган минглаб аёллар учун ўзбек пахтаси ҳаётий аҳамиятга эга манба бўлган, чунки уларнинг меҳнат жараёни, ижтимоий турмуш тарзи ҳам тўлиқ тўқимачилик саноатига боғлиқ эди[13]. СССР даврида Иваново вилоятининг тўқимачилик салоҳияти асосан Ўзбекистонда етиштирилган пахтага таянган[14]. Шу боис, ўзбек пахтаси Ивановада фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим рол ўйнаган, лекин республика хомашё етказиб берувчи сифатида қолиб, қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришдан четда қолган[15]. Бу марказлашган тизим иқтисодий самарадорликни пасайтирибгина қолмай, маҳаллий ташаббусларни ҳам чеклаган. Фабрика раҳбарлари ва маҳаллий мутахассислар бозор конъюнктурасини ҳисобга олиб иш юрита олмаган, чунки улар учун асосий мезон юқори ташкилотларнинг режаларини бажариш эди. Шу сабабли ишлаб чиқариш жараёнлари самарасиз бўлиб, иқтисодий ривожланиш суръатлари орқада қолган.

Мазкур ҳолат сиёсий жиҳатдан ҳам

тармоқни марказга чамбарчас боғлаб қўйган. Жанубий Ўзбекистондаги тўқимачилик саноати маҳаллий иқтисодий манфаатларни эмас, балки иттифоқ миқёсидаги стратегик мақсадларни таъминлаш воситасига айланган. Бу эса соҳанинг мустақил ривожланиши, маҳаллий бозор ва ташқи бозор талабларига мослашиши имкониятини тўлиқ йўққа чиқарган.

Шу тариқа, сиёсий ва иқтисодий тизимнинг марказлашганлиги Жанубий Ўзбекистон тўқимачилик тармоғининг ривожланишини чеклаб қўйган, самарадорликни пасайтирган ва уни иттифоқнинг хомашё базаси даражасида сақлаб қолган. Натижада, мустақиллик арафасида бу тармоқ модернизацияга, бозор талабларига мослашишга ва рақобатбардошликни оширишга муҳтож ҳолатда қолган.

Бу муаммоларнинг энг асосийлари иш ҳақининг пастлиги, меҳнат шароитларининг оғирлиги ва ҳуқуқий ҳимоянинг етарли эмаслиги бўлиб, айниқса аёллар меҳнатининг арзон баҳоланиши жамиятда ижтимоий тенгсизликни кучайтирган[16]. Минглаб ишчи аёллар ва ёшлар фабрикаларда узоқ соатлар давомида меҳнат қилар, бироқ уларнинг маоши турмуш даражасини таъминлашга етарли эмас эди[17]. Бундай вазиятда Жанубий Ўзбекистондаги тўқимачилик саноати ҳақиқатан ҳам оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолган эди.

Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати эса ижтимоий ҳаётда энг оғир масалалардан бири бўлиб қолган. Пахта теримида оммавий сафарбарлик характерида талабалар, ўқитувчилар ва ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам жалб этилган. Пахта ҳосилини йиғиб-териш даврида деярли барча ишчи кучлари, шу жумладан мактаб ўқувчилари ва талабалар ҳам оммавий сафарбар этилар эди. Бу ҳолат болалар меҳнати турмушда одатий ҳолга айланиб қолган эди[18]. Бу ҳолат халқаро ташкилотлар томонидан қаттиқ танқид қилингани билан бирга, маҳаллий аҳоли ҳаётида ҳам катта салбий таъсир кўрсатган. Меҳнат жараёнининг мажбурий характери

инсон ҳуқуқларини топтаган ва ижтимоий адолат мезонларига зид бўлган.

Иқтисодий жиҳатдан тармоқнинг хомашё базасига қаттиқ қарамлиги унинг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлган. Пахта асосан хомашё сифатида ишлаб чиқарилиб, тайёр маҳсулот сифатида қайта ишланмагани сабабли тармоқ юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятидан маҳрум бўлган. Жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган бир пайтда бу ҳолат саноатнинг иқтисодий салоҳиятини пасайтирган.

Экологик инқирозлар ҳам тармоқ ривожланишига салбий таъсир кўрсатган. Пахтачиликнинг монокультура сифатида ривожланиши сув ресурсларининг ортиқча сарфланишига, ерларнинг шўрланишига ва атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлган. Бу эса нафақат кишлоқ хўжалигига, балки бутун саноатнинг барқарор ишлашига тўсқинлик қилган.

Шу билан бирга, тўқимачилик саноати аҳолини иш билан таъминлашдаги асосий тармоқ сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Жанубий Ўзбекистонда минглаб оилаларнинг турмуши айнан шу соҳадаги иш ўринлари билан боғлиқ эди. Шу сабабли мустақиллик йилларидан бошлаб давлат сиёсатида тўқимачилик соҳасини ислох

қилиш, модернизация қилиш, хомашёни тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқаришга йўналтириш ва экспортбоп маҳсулот етиштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Вилоят пахта тозалаш заводларида янги замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш дадил жорий этила бошланди. Ангор пахта тозалаш заводида нотўқима материаллар ишлаб чиқарадиган цех ўрнатилди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг эни 90 сантиметр, бўйи 180 сантиметр узунликда чиқариладиган бўлди. Заводда 2,5 минг ўрнига 6 минг метр 190 нотўқима материаллар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга сотилди, ҳатто чиқиндилар қайта ишланиб, маҳсулот олина бошлади. Бу тадбиркорлик натижасида ҳар ойда Асосий саволлардагидан 50 60 тонна кўп момиқ ишлаб чиқарилди, чунки 1 тонна момиқ жаҳон бозорида 500 долларга баҳоланди[19].

**ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION).**

Натижада, мустақилликдан кейин тўқимачилик соҳаси нафақат иқтисодий ўсиш манбаи, балки ижтимоий барқарорликни таъминловчи стратегик йўналиш сифатида қаралди. Бу эса Жанубий Ўзбекистон саноати ривожига янги босқични бошлаб берди.

#### АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА / REFERENCES):

1. Бедринцев К.Н. СССР халқ хўжалигида Ўзбекистоннинг тутган ўрни. – Т., 1953. – Б. 25.
2. Раҳматуллаева Д., Ходжаева У., Атаханова Ф. Либос тарихи. Дарслик, Тошкент 2015, 252б.
3. Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 226-рўйхат, 225-иш, 5-варак.
4. Рўзметов Д.Р. Ўзбекистон саноати ривожланишининг замонавий хусусиятлари ва ҳудудий таркиби. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 43-жилд. Илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2014 йил. 111б.
5. Юнусова Х.Э. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт: тарих фан.док.дисс. – Тошкент, 2009. 8б.
6. Программа по достойному труду Республики Узбекистан на 2014- 2016 годы.стр3.
7. Никитин В. Исторический опыт и приоритеты внешней политики современной Германии // Послевоенная история Германии: российско-немецкий опыт и перспективы: Материалы конференции российских и немецких историков. Сборник статей. Под ред. Б.Бонвеча и А.Ю.Ватлина. – М.: ДиректМедиа Пабблишинг, 2007. – С. 199.
8. Жўракулов Б., ва бошқалар. Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 5.
9. Asil Rashidov. 1930-1970 yillatda SSSR. Toshkent, 1985. 18 б.

10. Кожин В. Иваново – русский Манчестер. – Москва: Экономика, 1980, с.198–205.
11. Зияева Ш. Ўзбек пахтаси ва иттифок тўқимачилик саноати. // Ўзбекистон тарихи журнали. – 1990. – №3. – Б. 45–53.
12. Абдуллаев, И. Совет даврида Ўзбекистон иқтисодиётида пахта монополияси. – Тошкент: Фан, 1987. 97-103 бетлар.
13. Гафаров А.Х. Хлопководство Узбекистана и союзное разделение труда. – Ташкент: Узбекистан, 1974. – Б. 121–123.
14. Ходжаев Ф. Ўзбекистонда пахтачилик ва тўқимачилик саноати тарихи. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 203–205.
15. Абдуллаев И., Совет даврида Ўзбекистон иқтисодиётида пахта монополияси. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 98–99.
16. Абдуллаев, И. Совет даврида Ўзбекистон иқтисодиётида пахта монополияси. – Тошкент: Фан, 1987. 222-225 бетлар.
17. Гафаров, А.Х. Хлопководство Узбекистана и союзное разделение труда. – Ташкент: Узбекистан, 1974. С. 121-123.
18. Абдуллаев, И. Совет даврида Ўзбекистон иқтисодиётида пахта монополияси. – Тошкент: Фан, 1987. 145-147 бетлар.
19. Yakubova D.T. Surxondaryo tarixi. O‘quv-uslubiy qo‘llanma.– T.: “Lesson Press” nashriyoti. 2022. 189-190 бетлар.